

“ТАСДИҚЛАНДИ”

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой
коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги

"Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий
таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини
қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона
вилоят ҳудудий филиал бошлиғи



М.Мамадувалиев

2022 йил

Бажарувчи ташкилотни танлаб олиш учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Танлов хужжатининг мазмуни:

I. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома

II. Техник қисм

III. Нархлар қисми

ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: **Фарғона шаҳар А.Қодирий МФЙ А.Қодирий кўчаси 116/117-сонли кўп қаватли уйларнинг Д-219 мм бўлган 50 метр иссиқлик тармоқларини жорий ва мукаммал таъмирлаш.**

1.2. Танлов қиймати: **130 000 000 сўм ҚҚС билан**

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмида илова қилинган.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб **30 кун**.

1.5. Ишларни бажариш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. "Кўп хонадонли уйларни мукаммал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилоят ҳудудий филиали (бундан кейин "Буюртмачи" деб аталади) – танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

Буюртмачи манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар Мустақиллик кўчаси 30-уй.

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 3 йил иш тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштироки этиши учун талаблорга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:
Фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

Доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

Ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган);

Тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

Бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш;

Устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштирилиши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:
Қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;
Мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар;

Инсофсиз ижрочилар рўйхатида мавжуд ташкилотлар.

4.ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштириш лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва ҳужжатлар, маълумотлар “Буюртмачи” ва “Иштирокчи” ихтиёрига кўра ўзбек ва рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов ҳужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, “Буюртмачи” томонидан қўйилган техник талабларни ва бажарадиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак,

- Нарх қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Мухим эслатма: Танлов иштирокчилари ҳар бир таклифларни яхлит ҳолда тикилган, номерланган, ваколатли шахс имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ҳолда ёки ҳар бир варағини муҳрлаб тасдиқланган ҳолда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги ҳужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади: Техник ҳужжатлар рўйхати.

4.5. Танлов иштирокчиси:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.
- 5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.
- 5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча ҳужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбур.

6. БОШҚА ШАРТЛАР

- 6.1. Давлат буюртмачиси харид комиссияси билан келишилган ҳолда танлашда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан бир иш кунидан кечиктирмай танлаш бўйича харид қилиш ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Бунда ушбу танлашда таклифларни тақдим этишнинг тугаш муддати камида уч иш кунига узайтирилади. Шу билан бирга, эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади. Товарларни (ишларни, хизматларни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 6.2. Ғолиб шартнома тузишни рад этган тақдирда унга закат суммаси қайтариб берилмайди. Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланган бўлса, шартнома тузиш ва унга доир мажбуриятларни бажариш ҳуқуқи захирадаги ғолибга ўтади. Бунда захирадаги ғолиб ғолиб томонидан таклиф этилган нарх бўйича (бундан захирадаги ғолиб таклиф этган нарх ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан паст бўлган ҳоллар мустасно) шартнома тузади ёки шартнома тузишни рад этиши мумкин.
- Агар харид комиссияси томонидан захирадаги ғолиб аниқланмаган бўлса ёки захирадаги ғолиб шартнома тузишни рад этган бўлса, давлат буюртмачиси ушбу Қонун талабларига мувофиқ янги танлаш ўтказиши ёхуд электрон дўкон (ушбу Қонуннинг 49-моддасида белгиланган мезонлар доирасида) ёки аукцион орқали харидни амалга ошириши мумкин

“ТАСДИҚЛАНДИ”

**Ўзбекистон Республикаси Уй-жой
коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги
"Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий
таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини
қуриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона
вилоят ҳудудий филиал бошлиғи,**



 **М.Мамадувалиев**

_____ **2022 йил**

**ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ
КОРХОНАЛАРИНИНГ ҚОЗОНХОНА ЖИХОЗЛАРИ ВА
ИССИҚЛИК ТАРМОҚЛАРИНИ 2022 ЙИЛДА ТАЪМИРЛАШ
БЎЙИЧА**

ТЕХНИК ҲУЖЖАТ

2022 йил

Т/р	Асосий маълумотлар ва талаблар рўйхати	Бўлимга изоҳлар
1.	Савдолар ўтказишга асос	Ўзбекистон Республикаси 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари” тўғрисидаги Қонуни талаблари асосида ўтказилади.
2.	Буюртмачи	"Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини куриш бўйича инжиниринг компанияси" ДУК Фарғона вилоят худудий филиали
3.	Ишларни бажариш учун асос	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2912-сонли қарори
4.	Молиялаштириш манбаи	Республика бюджет
5.	Буюртмачи реквизити	Фарғона вилояти. Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси 30-уй. СТИР: 307915635; ШХВ: 1000 218 603 040 170 437 021 100 07
6.	Объект номи	Фарғона шаҳар А.Қодирий МФЙ А.Қодирий кўчаси 116/117-сонли кўп қаватли уйларнинг Д-219 мм бўлган 50 метр иссиқлик тармоқларини жорий ва мукамал таъмирлаш
7.	Буюртмачининг чегаравий қиймати	130 000 000 сўм ҚҚС билан
8.	Молиялаштириш тартиби	Курилишнинг жорий йилдаги қийматининг 30% миқдорида аванс (2 ойга тенг улушларда) 65% хажмда жорий молиялаштириш ва 5% фойдаланишнинг кафолат муддати тугагандан сўнг берилади.
9.	Ишларни бажариш муддати	30 кун
10.	Талаб этиладиган хужжатлар	Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар; Танлов иштирокчисининг молиявий аҳволи; Танловдаги объектга ўхшаш объектларда охириги 3 йиллик иш тажрибаси; Машина ва механизмлар рўйхати; Танлов иштирокчиси танлов вақтида иштирок этаётган ва мазкур танловнинг предмети бўлмиш объектни куриш (реконструкциялаш, таъмирлаш) даврида иштирок этадиган бошқа контрактлар (объектлар) ҳақида маълумот; Курилиш майдонини кўрганлик ва лойиҳани ўрганганлик тўғрисида маълумотнома.
11.	Иштирокчиларга кўйиладиган талаблар	Фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати; Доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши; Ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши; Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам бўлмаган); Тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам

		бўлмаган); Танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги; Бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш; Устав фонди миқдори тўғрисидаги маълумотлар.
12.	Энг яхши таклифларни танлаш	Электрон тарзда ўтказилади
13.	Тўлов ва етказиб бериш шартлари	Закалат миқдори 2 % etender.uzex.uz
14.	Савдоларда иштирок этишга рухсат этилмайди	Кайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; Мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд ташкилотлар; Инсофсиз ижрочилар рўйхатида мавжуд ташкилотлар